



## ГИЁХВАНДЛИККА ҚАРШИ ҲАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

Raxmatov Umrzoq Nusratovich Jamoat xavfsizligi  
universiteti magistratura tinglovchisi

**Аннотация.** Мақолада гиёхвандликка қарши ҳалқаро ҳамкорликнинг долзарблиги ва зарурияти миллий ва хорижий қонунчилик, хукуқшунос олимларнинг назарий фикрлари, суд–тергов амалиёти таҳлили асосида ўрганилган, ҳамда гиёхвандликни олдини олдини олиш ва жавобгарликни такомиллаштиришга оид таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Таянч иборалар:** ёшлар, вояга етмаган, бола, гиёхвандлик, ғайриижтимоий, ғайрихуқуқий, хатти–харакат, жалб қилиш, хулқ–атвор, хукуқбузарлик, жиноят, олдини олиш.

## МЕЖДУНАРОДНОЕ СОТРУДНИЧЕСТВО В БОРЬБЕ С НАРКОМАНИЕЙ

**Аннотация.** В статье исследуется актуальность и необходимость международного антинаркотического сотрудничества на основе национального и зарубежного законодательства, теоретических мнений ученых–юристов, анализа судебной и следственной практики, а также разрабатываются предложения и рекомендации по профилактике наркомании и повышению ответственности.

**Базовые фразы:** молодежь, несовершеннолетний, ребенок, поддавка, антисоциальный, антисоциальное поведение, привлекательность, поведение, правонарушение, преступность, профилактика.

## INTERNATIONAL COOPERATION AGAINST ADDICTION

**Annotation.** The article explores the relevance and necessity of international anti-drug cooperation on the basis of national and foreign legislation, theoretical opinions of legal scholars, analysis of judicial and investigative practice, and develops proposals and recommendations on the Prevention of drug addiction and the improvement of responsibility.

**Base phrases:** youth, minor, child, giveaway, anti-social, anti-social, behavior, attraction, behavior, offense, crime, prevention.

Ҳаммамизнинг олдимиизда турган мухим масала бу ёшлар ўртасида хукуқбузарликлар ва жиноятчиликнинг олдини олиш. Чунки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг таъбири билан айтганда “...ёшлар бизнинг келажагимиз” [1]. Бироқ, бугунги кунда дунёни ташвишлантираётган гиёхвандлик, наркобизнес каби иллатлар инсон ҳаётига хавф солмоқда.



Гиёхвандлик билан боғлиқ жиноятларни содир этаётганларнинг 28 фоизга яқинини ўттиз ёшга тўлмаганлар, салкам 15 фоизини эса аёллар ташкил этар экан. Жаҳон ҳамжамияти бундай кўринишга чек қўйиб вазиятни барқарорлаштириш юзасидан турли тадбир ва услубларни ишга солаётир. Жумладан, БМТ Бош Ассамблеяси 1991 йилда “Гиёхвандлик воситалари устидан назорат бўйича халқаро дастур”ни (UNDKP) ишлаб чиқкан эди. Бу дастур бўйича БМТнинг гиёхвандлик моддалари устидан назорат бўйича барча фаолияти мувофиқлаштирилди. 1997 йилда эса БМТ томонидан “Гиёхвандлик моддалари устидан назорат ўрнатиш ва жиноятчиликнинг олдини олиш бошқармаси ташкил этилди. Бошқарма гиёхвандлик моддалари савдоси, уюшган жиноятчилик, терроризм каби ҳолатларга қарши глобал миқёсда кураш олиб бормоқда [2].

Ўзбекистонда ҳам гиёхвандликка қарши кураш борасида жиддий ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон гиёхвандлик воситалари тўғрисидаги БМТнинг 1961 йилги ягона Конвенцияси ҳамда “Гиёхвандлик воситаларининг қонунга хилоф равищда муомалада бўлишига қарши кураш тўғрисида”ги БМТ Конвенциясига қўшилган [3]. Конвенцияга кўра барча турдаги гиёхвандлик операсиялари учун жиноий жавобгарлик белгиланган. Бундай моддалар истеъмоли ва уларнинг ноқонуний айланишига қарши курашишда БМТ ҳамкорлигига комплекс чора-тадбирлар дастури доирасида амалий ҳаракатлар олиб борилмоқда. Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Бош Прокуратураси 2002 йилдан бери БМТнинг 1988 йилдаги “Гиҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар билан қонунга хилоф равищда муомала қилишига қарши кураш тўғрисида”ги конвенциясининг 7-моддаси доирасида Ўзбекистон Республикасининг марказий идораси ҳисобланиб, бу борада халқаро ташкилотлар билан яқиндан ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги “Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига илова қилинган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш концепциясида “жиноят қонунчилигининг, айниқса, ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир



бўлмаган жиноятларни биринчи маротаба содир этган, шунингдек, ахолининг ижтимоий заиф қатламлари – вояга етмаганлар, кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар, ҳомиладор аёллар ва қарамоғида вояга етмаган болалари бўлган ёлғиз шахсларга нисбатан янада инсонпарварлигини таъминлаш, жиноят просессига жалб этилган вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашга қаратилган жиноий-ҳуқуқий нормаларни такомиллаштириш [4]” каби устувор вазифалар белгилаб берилганини алоҳида эътироф этадиган бўлсак, вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ҳамда уларни қонунчилик нуқтаи назаридан мустаҳкамлаб қўйиш муҳим ҳисобланади.

Кун сайин ҳаётимиз ўзгариб, турмушимиз фаровонлашиб бормоқда. Қай бир соҳани олманг ҳавас қиласа арзигулик муваффақиятларга эришилмоқда. Ёшларни хар томонлама камол топиши учун барча шароитлар мавжуд. Лекин, эришилаётган ютуқларимизга раҳна solaётган ҳаракатлар ҳам талайгина, уларга қарши вақтида курашмасак, кўзланган мақсадга етиш мушкул. Чунончи, жиноятчиликни энг ҳавфли тури бу гиёҳванд моддалар билан шуғулланиш, уни экиш, тарқатиш, сотиш ҳисобланади. Чунончи, бундай ҳаракатлар инсон ҳаётини издан чиқаради, жамиятни таназзулга дучор бўлишига сабабчи бўлади. Бу жиноятга қарши ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар билан ҳамкорликда соғлиқни сақлаш, маориф, жамоат бирлашмалари, маҳалла фуқаролар йигинлари бир ёқадан бош чиқариб қурашишлари зарур. Гиёҳванд моддалардан бизнес сифатида фойдаланиш оқибатлари ҳам касалланиш сонини ошиб боришига сабаб бўлмоқда. Кўрилаётган барча чоратадбирларга қарамасдан, бир ҳолат ҳамон ташвишли бўлиб бормоқда. Яъни Афғонистон ва Тожикистон Республикаларидан наркобизнес гуруҳлари давлатимизга, МДҲ мамлакатларига ғайриқонуний гиёҳфурушлик жиноий ҳаракатларини амалга оширишга ҳаракат қилмоқдалар, Ҳар йили Афғонистонда тўрт минг тонна қорадори етиштирилар экан, унинг ўттиз фоизи МДҲ давлатлари худудидан ўтади.

Давлатимиз чегараларидан ўз ғаразли мақсадларини амалга ошириш ни ятида кириб келаётганлар ҳам йўқ эмас. Республикаизда гиёҳвандликка қарши кескин



кураш кетаётган, зарур амалий хуқуқий чоралар кўрилаётган бир пайтда гиёҳвандлик воситалари билан ноқонуний муомала қилиш билан боғлиқ жиноятлар ҳанузгача учраб турибди. Афсусланарлиси, ўтган асрда гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний савдоси билан асосан йирик жиноий уюшмалар шуғулланган бўлса, бугунги кунда аҳолининг турли табақалари, баъзан аёллар ҳамда вояга етмаганларнинг ҳам ушбу жиноятга қўл уриши ҳоллари кузатилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексида гиёҳванд моддаларни экиш, тайёрлаш, истеъмол қилганлик учун жавобгарлик қонунлаштирилган, яъни гиёҳванд ва психотроп моддаларни қонунга хилоф равишда ўтказганлик учун 10 йилдан 20 йилгacha озодликдан маҳрум этилади. Уларни тайёрлаб, сақлаганлик учун эса 5 йилдан 10 йилгacha озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланган. Бундан ташқари тасодифан адашиб, ушбу ишга қўл урган шахслар гиёҳванд моддаларни ўз ихтиёри билан топширса, жиноий жавобгарлиқдан озод этилади.

Гиёҳвандлик балоси чегара билмайди, дунё бўйича ОИТС, гиёҳвандлик, халқаро терроризм каби иллатлар инсоният бошига қанчадан-қанча қулфатлар келтириши ҳаммага аён. Шунинг учун ушбу иллатга қарши барча давлатларда чоратадбирлар кўрилмоқда.

Гиёҳвандлик бутун дунё ҳам жамиятини ташвишга солган энг катада муваммолардан бири. Гиёҳвандлик ижтимоий иктиносидий иллатларга қарши курашда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси хузурида гиёҳвандлик моддалари назорат килиш миллий маркази фаолият курсатиб бормоқда. Шу билан бир каторда бунга қарши курашувлардан яна бири кишиларнинг хаёти, манавий дунё караши кашшок булмаслиги улар уз кобилиятига кура бирон бир фойдали иш билан машгул булиши ҳамда спорт, участка ва бошка соҳаларда шугулланиш максадга мувофик. Аср вабоси бульмиш гиёҳвандликнинг олдини олиш нафакат тиббиёт ходимлари балки ҳаммамизнинг вазифамиздир. Бу заарали иллатларни олдини олиш аввало оиласдан бошланади. Ўзбекистон Республикасида 1999 йилда ”Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалари тугрисида”ги конуни қабул қилинган [5]. Хеч бир инсон онадан гиёҳванд булиб тугилмайди. Уни келтириб чикарадиган бир катор



сабаблар мавжуд. Хозирги кунда хатто усмир ёшлар, аёллар уртасида гиёхванликка ружу куйиш холлари учраб келмокда [6, 102]. Болалар уртасидаги гиёхвандликнинг тарқалишига аввалом бор ота-оналар, укув муассасалари хамда кенг жамоатчилик айбордир [7, 93]. Президентимиз таъкидлаб утканидек, биз онгли, мустакил фикрли, манавиятли инсонни тарбиялашимиз барча куч ва имкониятларимизни шу масалани ижобий хал булишига каратмогимиз лозимдир.

Хулоса қилиб айтганда, гиёхвандлик воситаларини истеъмол қилиш шахсни жамиятдан ажратибгина қолмай, унинг инсоний қиёфасини йўқотишга ва турлитуман жиноятларни содир қилишига сабаб бўлади. Шунинг учун ҳам бу иллатни тарқатаётган кимсаларга нисбатан аёвсиз курашиб бугуннинг долзарб вазифаларидан биридир.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Конституция ва қонун устуворлиги – ҳукуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятининг энг муҳим мезонидир. / Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конститусияси қабул қилинганинг 27 йиллигига багишлиланган тантанали маросимдаги маъruzаси – <https://president.uz/uz/lists/view/3119>
2. Управление Организации Объединенных Наций по наркотикам и преступности (УНП ООН) (unodc.org)World Drug Report 2022 // <https://www.unodc.org/unodc/ru/index.html>
3. Конвенция ООН о борьбе против незаконного оборота наркотических средств и психотропных веществ // [https://www.un.org/ru/documents/decl\\_conv/conv\\_drugs.shtml](https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conv_drugs.shtml)
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги “Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига илова қилинган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш концепцияси – (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 15.05.2018 й., 07/18/3723/1225-сон, 01.10.2018 й., 06/18/5547/1975-сон).
5. Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 19 августдаги “Гиёхвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида”ги 813-1-сон Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 й., 9-сон, 210-модда; 2001 й., 1-2-сон, 23-модда; 2003 й., 1-сон, 8-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 41-сон, 405-модда; 2015 й., 33-сон, 439-модда; 2017 й., 16-сон, 265-модда, 24-сон, 487-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 23.10.2018 й., 03/18/503/2080-сон; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 й., 2-сон, 47-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.05.2019 й., 03/19/542/3177-сон, 13.09.2019 й., 03/19/567/3737-



сон; 18.03.2020 й., 03/20/612/0326-сон, 22.07.2020 й., 03/20/629/1087-сон, 28.10.2020 й., 03/20/644/1415-сон; Конунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон; 02.06.2022 й., 03/22/774/0467-сон

6. Рустамбоев М.Х. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига шарх. Умумий қисм. – Тошкент: “Адолат”, 2016. – 104-105 б.

7. Ахроров Б.Д. Жиноят қонунчилигининг вояга етмаганлар тўғрисидаги нормаларини либераллаштириш масалалари. “Ёшларга оид давлат сиёсатининг хуқуқий асосларини такомиллаштириш” мавзусидаги илмий-назарий конференция материаллари. – Тошкент: ТДЮИ, 2008. – 103 б.

